

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

"ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛТЕТИ

**"ГЕОЛОГИЯ, МИНЕРАЛОГИЯ ВА ПЕТРОГРАФИЯ"
КАФЕДРАСИ**

**СТРУКТУРАЛАР ГЕОЛОГИЯСИ ВА ГЕОЛОГИК
ХАРИТАЛАШ**

фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий қўлланма

ТОШКЕНТ-2010 йил

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

"ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛТЕТИ

**"ГЕОЛОГИЯ, МИНЕРАЛОГИЯ ВА ПЕТРОГРАФИЯ"
КАФЕДРАСИ**

**СТРУКТУРАЛАР ГЕОЛОГИЯСИ ВА ГЕОЛОГИК
ХАРИТАЛАШ**

фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий қўлланма

5540700 – Қаттиқ фойдали қазилма конлари геологияси ва қидиув ишлари;
5540900 – Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари;
5541400 – Разведкавий бурғилаш техника ва технологияси;
5541200 – Гидрогеология ва мухандислик геологияси;
5540800 – Нефт ва газ конлари геологияси ва разведкаси;
5541000 – Нефт ва газ геофизикаси
мутахассислари бакалаврлари учун мўлжалланган.

ТОШКЕНТ-2010 йил

УДК.550.8:528
Тузувчи: Асадов А.Р.

«Структуралар геологияси ва геологик хариталаш» фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент Давлат техника университети. Туз.: А.Р.Асадов, Тошкент. 2010. 50 б.

Ушбу услубий кўрсатмада талабалар курс ишини бажариш учун зарур бўладиган геологик харита тузиш усуллари, харитада тасвириланган тоғ жинсларининг ётиш элементларини аниқлаш, қудук маълумотларига асосланиб қия ётган қатламнинг юзага чиққан чизигини топиш, геологик кесмалар ва стратиграфик устун тузиш йўллари келтирилган.

Бундан ташқари, кўрсатмада курс ишини таркибий қисмлари, курс иши бобларининг мазмуни, харита ва чизмаларни жойлаштириш тартиби ва курс ишини ҳимоя қилиш қоидалари келтирилган.

Ушбу услугбий күрсатма Олий таълимнинг 5540700 - Қаттиқ фойдали қазилма конлари геологияси ва қидирув ишлари, 5540900 - Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари, 5541400 - Разведкавий бурғилаш техника ва технологияси, 5541200 - Гидрогеология ва мухандислик геологияси, 5540800 - Нефт ва газ конлари геологияси ва разведкаси, 5541000 – Нефт ва газ геофизикаси мутахассисликлари бакалаврлари учун мўлжалланган.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети илмий услубий кенгаши қарорига асосан чоп этилди.

Такризчилар:
ТошДТУ ўкув бўлими бошлиғи,
геология-минералогия фанлари номзоди
доцент Р.Т. Зокиров

Минерал ресурслар институти етакчи мутахассиси,
геология-минералогия ғанлари номзоди А.Д.
Рахимов

Кириш

Республикамизда барча соҳаларда бўлгани каби, геология соҳасида ҳам замон талабига жавоб берадиган, илму-фаннынг замонавий ютуқларини амалиётда қўллай оладиган, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда ихтисослик фанлардан маъруза ва амалий машғулотларнинг ўзбек тилида олиб борилиши талабаларнинг билим савияларини ошишига олиб келмоқда. Лекин ўзбек тилида мутахассислик фанларидан дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг етишмаслиги, бундай адабиётларни тайёрлашни тақози этади.

Структуралар геологияси ва геологик хариталаш фани геологиянинг барча мутахассислик йўналишларида таълим олаётган талабалар учун мутахассислик фани бўлиб, бу фан бўйича талабалар маъруза ва амалиёт машғулотларидан ташқари, курс иши ҳам бажарадилар.

Структуралар геологияси ва геологик хариталаш фанидан курс иши бажаришдан мақсад талабалар маъруза ва амалиёт дарсида ўрганган билимларини мустаҳкамлаш билан биргаликда қатламларнинг фазовий жойлашишини тасаввур қилиш маҳоратини ошириш, геологик харитада тасвирланган тоғ жинсларини ётиш элементларини аниқлаш, бурғулаш қудуқлари ёрдамида аниқланган қатламнинг ётиш элементлари фойдаланиб унинг юзага чиққан чегараларини топиш, қатламларнинг қалинликларидан фойдаланиб, уларнинг чегараларини аниқлаб, геологик харита тузишдан ҳамда тузилган харита бўйича геологик кесмалар ва стратиграфик устун тузиб, ўрганилаётган майдоннинг геологик тузилиши тўғрисида умумий маълумотларни мустақил таҳлил қилишдан иборат.

Қўлланмада қия ётган қатламнинг ётиш элементлари тўғрисидаги умумий тушунчалар, қатламнинг ётиш элементларини топографик харитага туширилган чегаралари орқали аниқлаш, қатлам чегараларини бурғу қудуғидан олинган маълумот орқали аниқлаш, қатлам чегараларини уларнинг қалинликлари орқали харитага тушириш, геологик харита, геологик кесмалар ва стратиграфик устун тузиши услубиятлари мисоллар орқали келтирилган бўлиб, талабаларга курс ишини бажаришда асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу услубий қўлланмада курс ишини тайёрлашнинг услубияти, ишни бажаришдаги вазифалар кетма-кетлиги, иш давомида йифилган харита ва чизмаларни таҳрирлаш, тузилган геологик харита, кесмалар ва стратиграфик устундан фойдаланиб, ўрганилаётган майдоннинг геологик тузилиши тўғрисида ёзма таҳлилнинг мазмуни, унда келтириладиган бобларнинг мазмуни тўғрисида маълумот берилган.

Курс иши 1: 5000 масштабли топографик харита асосда бажарилади. Хаританинг горизонталлари ҳар 50 м да ўтказилган бўлиб, унда қия ётган габбро, гранит ва диорит каби интрузив жинсларнинг чегаралари, ҳамда берилган нуктада бурғу қудуғи орқали аниқланган қатламнинг ётиш элементлари берилган. Бурғу қудуғидан олинган маълумотлар 100 та вариантда тайёрланган бўлиб, талабаларга вариант бўйича тарқатилади.

Услубий қўлланманинг сўнгги қисмида курс иши вариантлари келтирилган.

Қия ётган қатламнинг ётиш элементлари


Горизонтал ётган қатламлар тектоник ҳаракатлар натижасида горизонтал ҳолатдан чиқиб, қия ёта бошлайди. Бир томонга қия ётган геологик структуралар моноклинал ётган қатламлар дейилади.

Қия ётган қатламларни фазода жойлашишини аниклаш учун йўналиш чизиги, ётиш (қиялик) чизиги, ётиш (қиялик) бурчаги, йўналиш азимути, ётиш (қиялик) азимути деган катталиклар киритилган.

Йўналиш чизиги деб – қатлам текислиги билан горизонтал текисликнинг учрашган чизигига айтилади. Ёки бошқача айтганда қатлам юзасидаги ҳар қандай горизонтал чизик йўналиш чизиги дейилади (1-расмдаги а-а чизик).

Ётиш чизиги деб – йўналиш чизигига перпендикуляр бўлган ва қатлам текислигидаги жойлашиб, унинг қайси томонга қия ётишини кўрсатувчи чизиқка айтилади. Ётиш чизиги (1-расмдаги б-б чизик) қатлам юзасида ўтқазиш мумкин бўлган бошқа исталган чизиқка нисбатан горизонтга энг катта ётиш бурчагига эга.

Ётиш бурчаги деб – ётиш чизиги ва унинг горизонтал проекцияси орасидаги бурчакка айтилади (1-расмлаби а бурчак).




1-расм. Қия ётган қатламларнинг ётиши элементлари

Йўналиш ва ётиш чизиқлари фазода уларнинг азимути орқали аниқланади.

Йўналиш азимути – бу йўналиш чизиги ва ҳақиқий меридианининг шимолий чизиги орасидаги ўнг бурчак (2- расм. а₁ ва а₂ бурчаклар). Йуналиш азимути 0° дан 360° гача ўзгаради

Ётиш азимути – бу ётиш чизигининг горизонтал проекцияси ва ҳақиқий меридианининг шимолий чизиги орасидаги ўнг бурчак (2-расм. А3 бурчак). Ётиш бурчаги 0° дан 90° гача ўзгаради.



2- расм. Қия ётган қатламнинг йўналиши ва ётиши азимутларини аниқлаш.

Қия ётган қатламнинг ётиш элементларини қатлам чегаралари ёрдамида аниқлаш

Горизонталлари ҳар 50 м да ўтказилган 1: 5000 масштабли топографик харита берилган бўлиб, харитада қия ётган габбро, гранит ва диорит каби интрузив жинсларнинг чегаралари тасвирланган. Бу дайкаларнинг ётиш элементларини аниқлашни кўриб чиқамиз.


Шуни эсда тутиш керакки қия ётган қатламларнинг чегаралари топографик харитада харита горизонталларини кесиб ўтади. Биринчи навбатда биз харитада тасвирланган 3 интрузив жинс қатламларининг йўналишини аниқлаб оламиз.

Хаританинг ғарбий қисмида жойлашган габбро жинсларидан тузилган қатламнинг юзага чиққан чизикларининг биттасида бир хил баландликдаги горизонтал билан кесишган нуқталарни белгилаймиз (нуқталар сони камидан 2 та бўлиши керак). 400 м баландликка эга бўлган горизонтал билан қатламнинг бир текислигини икки марта кесиб ўтган нуқталарини (1 ва 2 нуқталар) белгилаб, бу нуқталарни ўзаро туташтирасак тўғри чизик ҳосил бўлади. Бу чизик қатлам текислигига жойлашган бўлиб, у йўналиш чизиги дейилади. Топилган йўналиш чизигининг баландлиги маълум бўлгани учун (400 м) стратоизогипса деб аталади (3-расм).

Сўнгра қатламни юзага чиққан худди шу чизигига қатлам текислигини бошқа баландликка эга бўлган горизонтали билан кесишган нуқталарни

белгилаймиз Масалан баландлиги 500 м га тенг бўлган горизонтал қатlam чизигини 3- ва 4- нуқталарда кесиб ўтади. Бу нуқталарни ҳам тўғри чизик билан бирлаштирсак ва қатlam текислигига яна битта баландлиги 500 м бўлган стратоизогипса ҳосил бўлади. Ката баландлик қийматига эга бўлган стратоизогипсада А нуқтани белгилаб, кичик стратоизогипса томон перпендикуляр ўтказамиз ва қатlamнинг ётиш (киялик) чизигини ўтказамиз. Ётиш чизигининг фазодаги ҳолатини, ётиш азимутини аниқлаш учун А нуқтадан шимол-жануб чизигини ўтказамиз ва соат стрелкаси бўйича шимолдан ётиш чизиги орасидаги бурчакни транспортир ёрдамида ўлчаймиз.

Габбро қатламининг ётиш бурчагини қуйидагича аниқлаймиз. Аниқланган иккита стратоизогипсалар фарқини ($500-400=100$) харита масштабига (1: 5000) қўйиб йўналиш чизигидан (О нуқтадан) юқорига ёки пастга қўйиб, С нуқтани ҳосил қиласиз ва А нуқта билан туташтирамиз. Натижада АОС бурчак, яъни қатlamнинг ётиш бурчаги транспортир ёрдамида ўлчанади. Демак габбро жинсларидан тузилган қатlamнинг ётиш азимути 285° ва ётиш бурчаги 58° га тенг. Шу тариқа гранит ва диорит жинсларидан тузилган қатламларнинг ҳам ётиш элементларини аниқлаймиз. Гранит қатламининг ётиш азимути 180° ва ётиш бурчаги 55° га, диорит қатламининг ётиш азимути 82° ва ётиш бурчаги 58° га тенг. Сўнгра қатламларнинг мос шартли белгиларини қўйиб, мос рангларда бўяймиз (З-расм).



3- расм. Қия ётган қатламнинг ётиш элементларини аниқлаш

Қия ётган қатламнинг чегараларини бурғу қудуғидан олинган маълумотлар асосида аниқлаш

Мураккаб рельефли майдонда қия ётган қатламнинг чегаралари рельефнинг шакли ва қатламнинг ётиш элементларига боғлик. Топографик харитада қатламнинг юзага чиққан чегараларини аниқлаш учун рельефда камида 1 та бурғу қудуғи қазилган нуқтада қатламнинг ётиш элементлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Фараз қилайлик интрузив жинслар чегаралари тасвирланган геологик харитада, «V» нуқтада (4-расм) вертикал бургулаш натижасида $h=50$ метр чукурликда кулранг майда заррали оҳактошларнинг устки текислиги учраган. Уларнинг ётиш азимути 90° , ётиш бурчаги 25° , қатламнинг вертикал қалинлиги 100 м. оҳактошларнинг ёши Ўрта Юра (J_2) даврига тааллукли.

Қатламнинг юзага чиққан чегараларини аниқлаш керак. Бунинг учун харитада берилган «С» нуқтада шимол-жануб чизигини ўтказамиз ва транспортир ёрдамида оҳактош қатламининг йўналиш азимутини ва ётиш азимутини аниқлаймиз. Қатламнинг ётиш азумити чизигига перпендикуляр чизик ўтказамиз ва бу чизик қатламнинг йўналиш чизиги бўлади ва у берилган «С» нуқтадан ўтади. Сўнгра бу йўналиш чизигини стратоизогипсага айлатирамиз. Бунинг учун «С» нуқтадан ўтган йўналиш чизигини қийматини аниқлаймиз. «С» нуқтани кесиб ўтувчи горизонталнинг қиймати 300 м лигини билган ҳолда, ундан


оҳактош қатламининг устки текислиги аниқланган чуқурликни (50 м ни) айириб 250 қийматни «С» нуқтадан ўтган йўналиш чизифининг юқори қисмига ёзамиз. Бу қатламнинг устки текислиги стратоизогипсани кўрсатади. Қатлам чегарасини топиш учун биз аниқлаган битта стратоизогипса камлик қиласди. Шунинг учун харита майдонини тўлалигича қопладиган стратоизогипсалар ўтказиш керак бўлади. Колган стратоизогипсаларени ўтказиш учун «қатлам қадами» дан фойдаланамиз.

Қатлам қадами деб қатламнинг ётиш (қиялик) чизифини иккита йўналиш чизифи (стратоизогипсаси) орасида жойлашган бўлагини проекциясига айтилади. Қатлам қадамини аниқлаш учун ётиш бурчагидан ётиш азимути чизифига перпендикуляр ўтказамиз ва бу чизиқни горизонталлар орасидаги масофани масштабга қўйиб бўлиб чиқамиз. Бизнинг харитада горизонталлар раси 50 м ва масштаб 1 : 5000 бўлгани учун, ётиш бурчаги чизифидан ўтказилган перпендикуляр чизиқни 1 см дан бўлиб чиқамиз ва бу чизиқларнинг ётиш азимут чизифи билан кесишган нуқталарини белгилаймиз. Бу нуқталар орасидаги масофа бир бирига teng бўлиб, қатлам қадамини кўрсатади. Шу қадамлар ёрдамида қатламнинг кейинги стратоизогипсаларини аниқлаймиз. Стратоизогипсалар ётиш азимути (қия) томонга 50 м дан камайиб боради, тескари (кўтарилиг) томонга 50 м дан ошиб боради. Мисолимизда «С» нуқтадан ўтган стратогизогипсанинг қиймати 250 м га teng. Қиялик томонга 200, 150, 100 қийматларни, кўтарилиг томонга 300, 350, 400 ва хз. Қийматларни олади.

Қатламнинг устки чегараси стратоизогипсалар қийматлари горизонталларнинг қийматига тўғри келган оралиқда юзага чиқади. Демак, бир хил қийматга эга бўлган стратоизогипсалар ва горизонталлар кесишган нуқталарни белгилаб чиқамиз ва бу нуқталарни силлиқ чизиқлар ёрдамида туташтириб чиқамиз. Натижада бизга қия ётган қатламнинг юзаги чиқсан устки чегараси бўлиб ҳисобланади. Шуни эсда тутиш керакки, аниқланган нуқталар туташтириладиган чизик горизонталларни ҳам стратоизогипсаларни ҳам нуқта йўқ жойдан кесиб ўтмаслиги керак.

Бизнинг мисолда қатламнинг вертикал калинлиги 100 м. Демак, «С» нуқтада қатламнинг остки текислигининг стратоизогипсаси унинг устки текислигига қараганда 100 м пастдан ўтади, яъни «С» нуқтанинг остки текислиги стратоизогипсасининг қиймати 150 м га teng.

Оҳактош қатламининг остки текисликнинг чегарасини топиш учун, унинг устки текислиги чегарасини топиш усулидан фойдаланамиз. Бунда «С» нуқтадан ўтган стратоизогипсанинг қиймати 150 м лигини ҳисобга олиб, йўналиш азимутига қараб 50 м дан камайтириб ёзамиз, тескари томонга 50 м дан қўшиб ёзамиз. Остки текисликнинг стратоизогипсаларини қийматини топиб, шу баландликдан ўтадиган горизонталлари билан кесишган нуқталарни силлиқ чизик Билан туташтириб оҳактош қатламининг остки текислигини юзага чиқсан чегара чизифини аниклаймиз (4-расм).



4-расм. Бурғу қудуги маълумотлари асосида қатламнинг чегараларини ўтказиши.


Бурғу маълумотлари асосида топилган қатламнинг устида ётган қатламларнинг чегараларини уларнинг қалинлиги асосида топиш

Бурғу маълумотлари орқали биз Ўрта Юра - J_2 даврида ҳосил бўлган охактош қатламининг остки ва устки чегараларини аниқладик. Энди вазифамиз охактош қатламининг устида мувофиқ ҳолда ётган Юқори Юра J_3 даврида ҳосил бўлган, вертикал қалинлиги - 150 метр бўлган мергел қатламини, Куйи Бўр – K_1 даврида ҳосил бўлган, вертикал қалинлиги - 150 метр бўлган қумтошлар қатламини ва Юқори Бўр – K_2 даврида ҳосил бўлган, вертикал қалинлиги - 150 метрдан катта бўлган гравелитлар қатламини черагаларини харитага туширишдан иборатdir.

Ўрта Юра - J_2 охактош қатламининг устки чегараси унинг устида ётган Юқори Юра J_3 мергел қатламининг остки чегарасилигини билган ҳолда, мергел қатламининг устки чегарасини топиш учун, унинг қалинлигини, яъни 150 метр қийматни қатламнинг устки текислиги стратоизогипсалар қийматига кўшиб чиқамиз. Бунда Ўрта Юра – J_2 охактош қатламининг 0 қийматли стратоизогипсаси 150 қийматни олади ва қиялик азимутига қараб 50 м дан камайиб боради ва азимутга тескари томонга 50 м дан ошиб боради.

Энди янги топилган қатлам устки текислиги стратоизогипсалари бўйича бир хил баландликдаги нуқталарни туташтириб, мергел қатламининг устки

чегарасини топамиз. Бу чегараси Қуи Бўр – K₁ даврида ҳосил бўлган қумтош қатламлар остики чегараси ҳисобланади. Шунинг учун қумтош қатламигининг устки чегараси, мергел қатламигининг устки стратоизогипса қийматларига қумтош қатламигининг вертикал қалинлиги – 150 м ни қўшиб, стратоизогипса ва горизонталларнинг бир хил баландликда кесишган нуқталарини туташтириб чиқамиз. Натижада қумтош қатламигининг устки чегараси келиб чиқади. Бу чегара бизга маълумотлари берилган Юқори Бўр даврида ҳосил бўлган гравелит қатламигининг остики чегараси бўлиб ҳисобланади. Унинг устки чегарасини аниқлашнинг зарурияти йўқ. Чунки гравелит қатламигининг устида бошқа қатлам аниқланмаган. 5- расмда бурғу маълумотлари асосида топилган қатламнинг устида ётган қатламларнинг чегараларини уларнинг қалинлиги асосида топиш келтирилган.



5 – расм. Аниқланган қатламнинг устида ётган қатламларни топиш.


Бурғу маълумотлари асосида топилган қатламнинг остида ётган қатламларнинг чегараларини уларнинг қалинлиги асосида топиш

Бурғу маълумотлари орқали аниқланган Ўрта Юр (J₂) даврида ҳосил бўлган оҳактош қатламигининг остида қуйидаги қатламлар учраган бўлиб, бизга бу қатламларнинг ёши, таркиби ва вертикал қалинлиги берилган. Демак оҳактош қатламигининг остида Қуи Юр – J₁ даврида ҳосил бўлган, вертикал қалинлиги – 50 метрга teng доломит қатламини, Юқори Триас – T₃ даврида ҳосил бўлган,

вертикал қалинлиги – 100 метрга тенг гравелит қатламини, Ўрта Триас - T_2 даврида ҳосил бўлган, вертикал қалинлиги – 100 метрдан катта бўлган қумтош қатламини, чегараларини харитага туширишимиз керак.


Ўрта Юра - J_2 оҳактош қатламининг остки чегараси унинг остида ётган қуий Юра J_1 доломит қатламининг устки чегарасилигини билган ҳолда, доломит қатламининг остки чегарасини топиш учун, унинг қалинлигини, яъни 50 метр қийматни қатламининг остки текислиги стратоизогипсалар қийматидан айириб чиқамиз. Бунда Ўрта Юра – J_2 оҳактош қатламининг 50 қийматли стратоизогипсаси 0 қийматни олади ва қиялик азимутига қараб 50 м дан камайиб боради ва азимутга тескари томонга 50 м дан ошиб боради.

Энди янги топилган қатлам остки текислиги стратоизогипсалари бўйича бир хил баландликдаги нуқталарни туташтириб, доломит қатламининг остки чегарасини топамиз. Бу чегараси Юқори Триас – T_3 даврида ҳосил бўлган гравелит қатламининг устки чегараси ҳисобланади. Шунинг учун гравелит қатламининг устки чегараси, доломит қатламининг остки стратоизогипса қийматларига гравелит қатламининг вертикал қалинлиги – 100 м ни қўшиб, стратоизогипса ва горизонталларнинг бир хил баландликда кесишган нуқталарини туташтириб чиқамиз. Натижада гравелит қатламининг остки чегараси келиб чиқади. Бу чегара бизга маълумотлари берилган Ўрта Триас – T_2 даврида ҳосил бўлган қумтош қатламининг устки чегараси бўлиб ҳисобланади. Унинг устки чегарасини аниқлашнинг зарурияти йўқ. Чунки қумтош қатламининг остида бошқа қатлам аниқланмаган. 6- расмда бурғу маълумотлари асосида топилган қатламининг остида ётган қатламларнинг чегараларини уларнинг қалинлиги асосида топиш келтирилган.



6 – расм. Аниқланган қатламнинг остида ётган қатламларни топиши.

Шундай қилиб, биз қия ётган қатламнинг чегараларини бурғу қудуғидан олинган маълумотлар асосида аниқлаб, бу қатламнинг устида ва остида ётган қатламларни чегараларини, уларнинг қалинликлари асосида топографик харитага туширдик. Натижада ўрганилаётган майдоннинг геологик харитаси тузилди (7-расм). Геологик харитага туширилган қатламлар геохронологик шкала асосида бўялади. Сўнгра харитадаги қатламларни вертикал кесимини тасвирловчи кесмалар ва умумлаштирилган стратиграфик устун тузилади.




7-расм. Геологик харита.

Геологик кесма тузиш усуллари

Геологик харитада тасвирланган тоғ жинслари қатламларининг тарқалиш қонуниятларини, ётиш шаклларини, қатламларнинг ўзаро муносабатларини ва ўрганилаётган майдоннинг рельефини тўлиқ ифодалаш мақсадида кесмалар тузилади. Геологик кесма Ер юзасининг маълум бир чукурликкача бўлган вертикаль кесимини тузилишини тасвирлайди.

Кесмада вертикаль ва горизонтал масштаблар геологик карта масштаби билан бир хил бўлиши керак. Агар жинслар ётиқ ёки горизонтал ётган бўлса, кесмани вертикаль масштабини катталаштириш мумкин. Кесмалар геологик картадаги шартли белгилар асосида тузилади. Кесмада геологик жисмнинг ётиш шароитлари ва шакли (формаси), қалинлигини ўзгариши, структуралари, жинстури ва ёши, узилмалар кўрсатилади.


Геологик кесмалар юқоридан кесма чизиги, пастдан эса базис чизиги ва ён томонлардан вертикаль миёс чизиклари орқали чегараланган бўлади (8-расм). Кесма чизиги рельеф юзасининг вертикаль текислик билан кесишиш чизигидир. Базис чизиги эса геологик хариталар бўйича кесмалар тузганда ётқизикларнинг ётиш шакллари ва структураларни етарли даражада кўрсата оладиган чукурликдан ўtkazilgan горизонтал чизикдир.



8-расм. Геологик кесманинг умумий кўриниши

Гелогик кесма тузиш учун белгиланган йўналиш бўйича иккита нуқта тўғри чизик билан туташтирилади. Бу чизик харитада тасвиirlанган тоғ жинслари ҳақида тўла маълумот бера оладиган йўналиш бўйлаб ўтказилиши, ҳамда қатламлар йўналишига кўндаланг йўналган бўлиши керак. Агар қатлам йўналишига кўндаланг олинган чизик майдоннинг геологик тузилиши ҳақида тўлик маълумот бера олмаса қўшимча кесма чизиқлари олиниади. Харитада белгиланган кесма чизигининг ҳар икала учи А-А (Б-Б) харфлари ёки I-I (II-II) рақамлари билан белгиланади. Геологик кесмаларда вертикал ва горизонтал миқёслар бир-бирига тенг бўлиши ва улар харита миқёсига тўғри келиши керак.

Кесма чизиги қатлам йўналишига кўндаланг ўтганда қатламлар кесмада ҳақиқий ётиш бурчаги билан туширилади. Кесма чизиги билан қатламнинг йўналиш чизиги орасида маълум бир бурчак бўлса, қатламларни кесмага туширишда бу бурчак албатта ҳисобга олиниши керак. Чунки, бу ҳолда, қатламлар кесмада ҳақиқий ётиш бурчаги билан эмас, балки кўринарли бурчаги бўйича туширилади. Бунда уларнинг кўриниш бурчаги номограмма ёрдамида аникланади (9-расм). Номограммада абсисса ўқида кесма чизиги ва қатлам йўналиши орасидаги бурчак, ордината ўқида - қатламнинг изланаётган ётиш бурчаги. Қалин эгри чизиқлар қатламнинг ётиш бурчагига тўғри келади. Кесма чизиги қатламларнинг йўналиш чизигига параллел ўтганда қатламлар геологик кесмада горизонтал ҳолда вертикал қалинлиги бўйича кўрсатилади.



9-расм. Қатлам йұналишига перпендикуляр бұлмаган чизиқда унинг ётиши бурчагини аниқлаш үчүн номограмма.

Стратиграфик устун түзиш

Стратиграфик устун геологик харитада тасвириланған худудда ривожланған чўкинди, вулканоген ва метаморфик жинслар нисбий ёшига қараб табақаланған ва литологик таркиби бўйича ажратилған ҳолда тузилади.

Стратиграфик устун таркибидаги кенлиги 2,5-3,0 см ли литологик устун бўлиб, унда харита майдони юзасида тарқалған ва шуниндек бурғи қудуқлари ёрдамида очилған чўкинди, вулканоген ва метаморфик жинслар шартли белгилар ёрдамида танланған миқёсда қалинлиги билан кўрсатилади (10-расм). Литологик устунда тоғ жинслари харитада қабул қилинган стратиграфик бўлимлар бўйича табақаланған ҳолда тасвириланади. Стратиграфик бўлимлар орасидаги муносабат мувофиқ бўлса тўғри горизонтал чизиқ, номуфовиқ бўлса тўлқинли чизиқ билан кўрсатилади. Бир хил литологик таркибдаги жуда қалин қатламлар параллел тўлқинли чизиқлар билан узиб кўрсатилади. Агар қатлам қалинлиги жуда кичик

бўлиб, танланган миқёсда уни тасвирлаш имкони бўлмаса, у миқёссиз ҳолда кўзга кўринадиган қалинликда тасвирланади.

Литологик устуннинг чап томонида тоғ жинсларининг нисбий ёши стратиграфик табақалар бўйича (эратема, система, бўлим, ярус, свита, горизонт ва бошқалар) табақаларга ажратилиб кўрсатилади ва уларнинг индекслари берилади.

Литологик устуннинг ўнг томонида қатламларнинг қалинлиги, таркиби, улардаги фойдали қазилмалар, ҳайвон ва ўсимлик қолдириқлари кўрсатилади. Агар тасвирланувчи қатлам қалинлиги ўзгарувчан бўлса, қалинлик устуни графасида унинг энг кичик ва катта қиймати, литологик устунда эса миқёс бўйича максимал қалинлиги билан берилади. Стратиграфик устунда интрузив жинслар кўрсатилмайди.

Тешиктош дарасидаги палеоген ётқизиқларининг тафсилий
стратиграфик устуни
Миқёси 1:100
Тузди: Ботиров Элбек
2006 йил

Бўр Юқори	П а л е о г е н		Неоген Кийи	Система Бўлим Ярус
	Э о з и е н	Литоло- гик ус- тун		
	О л о й	Т у р к и с т о н	С в и т а	Индекс $P_3 - N_1 K_1$
			$P_2 tr$	$P_2 al$
Бўр Юқори	K ₂			
				14
				14
				12
				11
				10
				9
				8
				7
				6
				5
				4
				3
				2
				1

Литоло-
гик ус-
тун

С в и т а

Индекс
 $P_3 - N_1 K_1$

Калинник
.м

Тоғ жинслари ва органик
қолдиқларниң қисқача тавсифи

Қизил рангли карбонатли алевро-
литлар. Кесманинг остиқи қисмида
полимикт таркибли гравелитлар.

Фосфоритли горизонт. Майдага қум
ва алевролитлар. Акула тишлари
ва икки тавақалилар чиқаноқлари
Оч яшил тусли яхши сараланган
майдага донали глуконитли қумлар

Fatina чиғаноқларидан иборат го-
ризонт. Тўлдирувчи масса – қум
Оч кул рангли органоген оҳактош-
лар. Ostrea turkestanensis Rom.

Кул рангли органоген оҳактошлар.

Кул рангли мергеллер.

Оқ рангли гравелит горизонтила-
рига эга бўлган калькеринитли
қумтошлар ва қумлар.

Оч кул рангли пелитоморф оҳак-
тошлар

Қизғиш рангли карбонатли алев-
ролитлар ва мергеллар

10-расм. Стратиграфик устуннинг умумий кўрининиши

Курс ишини тайёрлашнинг услубияти

Структуралар геологияси ва геологик хариталаш фанидан курс иши бажаришдан мақсад талабалар маъруза ва амалиёт дарсида ўрганган билимларини мустаҳкамлаш билан биргаликда қатламларнинг фазовий жойлашишини тасаввур қилиш маҳоратини ошириш, геологик харитада тасвиirlанган тоғ жинсларини ётиш элементларини аниқлаш, бурғулаш қудуқлари ёрдамида аниқланган қатламнинг ётиш элементлари фойдаланиб унинг юзага чиққан чегараларини топиш, қатламларнинг қалинликларидан фойдаланиб, уларнинг чегараларини аниқлаб, геологик харита тузишдан ҳамда тузилган харита бўйича геологик кесмалар ва стратиграфик устун тузиб, ўрганилаётган майдоннинг геологик тузилиши тўғрисида умумий маълумотларни мустақил таҳлил қилишдан иборат.


Курс иши 1: 5000 масштабли топографик харита асосда бажарилади. Хаританинг горизонталлари ҳар 50 м да ўтказилган бўлиб, унда қия ётган габбро, гранит ва диорит каби интрузив жинсларнинг чегаралари, ҳамда берилган нуқтада бурғу қудуғи орқали аниқланган қатламнинг ётиш элементлари берилган. Бу харита 100 та вариантда тайёрланган бўлиб, талабаларга вариант бўйича тарқатилади.

Курс ишини бажаришда талабалар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Қия ётган габбро, гранит ва диорит интрузив жинслар қатламларининг ётиш элементларини аниқлаш;
2. Берилган нуқтада бурғу қудуғи орқали аниқланган қатламнинг ётиш элементларидан фойдаланиб, унинг чегараларини аниқлаш;
3. Вариантда келтирилган қатламларнинг қалинликларидан фойдаланиб, бурғу маълумотлари орқали аниқланган қатламнинг устида ётган қатламларни чегараларини топиш;
4. Вариантда келтирилган қатламларнинг қалинликларидан фойдаланиб, бурғу маълумотлари орқали аниқланган қатламнинг остида ётган қатламларни чегараларини топиш;
5. Харитани геохронологик шкала бўйича бўяш;
6. Харитада тасвиirlанган дайкаларни таркиби ва ёшига қараб мос рагларда бўяш;
7. Дайкаларни кесиб ўтувчи 3 та кесма тузиш;
8. Харитадаги қатламларни йўналишига перпендикуляр кесма тузиш;
9. Геологик кесмалар ёрдамида қатламларнинг ҳақиқий қалинлигини аниқлаб, ўрганилаётган майдондаги тоғ жинсларини тавсифловчи стратиграфик устун тузиш;
10. Майдоннинг геологик тузилиши тўғрисида таҳлил ёзиш.

Курс ишини бажариш давомида йиғилган харита ва чизмалар А0 форматли (ватман) қофозга туширилади. Қофозга тушириш тушда ёки гели ручка билан қуйидагича амалга оширилади (11-расм). Геологик харита ватман қофозининг ўртасида, хаританинг чап томонида йиғма стратиграфик

устун, хаританинг ўнг томонида шартли белгилар, хаританинг остида геологик кесмалар туширилади.



10-расм. Чизмаларни жойлашиши тартиби

Курс ишининг мазмуни

Курс ишининг график қисми бажарилгандан кейин тузилган геологик харита, кесмалар ва стратиграфик устундан фойдаланиб, ўрганилаётган майдоннинг геологик тузилиши тўғрисида ёзма таҳлили ёзилади. Курс ишининг ёзма қисми А4 форматли қоғозга 20-25 варақ бўлиши керак. Майдоннинг геологик тузилишини таърифловчи текст қуидаги боблардан иборат:

Кириш

1-Боб. Майдоннинг геоморфологияси

2-Боб. Майдоннинг геологик тузилиши. Стратиграфия

3-Боб. Интрузив жинслар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш. Бу қисмida курс ишини бажаришнинг мақсади, ишни бажариш учун ечиладиган масалалар ва бу масалаларни ечишда қўлланиладиган усуллар, ҳамда курс иши вариантида келтирилган маълумотлар келтирилади.

1-Боб. Майдоннинг геоморфологияси. Бу бобда ўрганилаётган майдоннинг рельефи тўғрисида, уларнинг паст-баландлик даражалари, водий ва сув айирғичларнинг мутлоқ ва абсолют баландликлари, Ер юзасининг очиқлик даражаси, ҳамда майдоннинг ўсимлик дунёси тўғрисида маълумот берилади.

2-Боб. Майдоннинг геологик тузилиши. Стратиграфия. Бу боб ўта мухим боблардан бири бўлиб, бунда ўрганилаётган майдонда тарқалган барча чўкинди, магматик ва метаморфик жинслар бўлимлари қадимгиларидан бошлаб ёшлирига қараб батафсил ёритилади. Уларнинг ўзаро муносабатлари аниқланади. Тоғ жинсларининг қалинлиги, ёши, фациал фарқи, номувофиқликлар аниқланади ва уларга тўлиқ изоҳ берилади.

3-Боб. Интрузив жинслар. Бу бобда ўрганилаётган майдонда тарқалган магматик жинслар тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилади. Магматик жинсларни ёзиш уларнинг пайдо бўлиш шароитига, ёшига ва кетмакетлигига қараб олиб борилади. Ҳар бир магматик жинснинг чегаралари, шакллари, катта – кичикилиги, қалинлиги ва ётиш элементлари тўғрисида маълумот берилади. Магматик жинслар стратиграфик устунда кўрсатилмайди.

Хулоса. Бу қисмда ўрганилган майдонда олиб борилган ишлар якуни, олинган натижалар тўғрисида, уларнинг назарий ва амалий ахамияти, олинган маълумотларнинг фойдали қазилма конларининг башорат қилишда ўрни ҳақида ёзилади.

Фойдаланилган адабиётлар. Курс ишини ёзишда майдоннинг геологик тузилишини ёритишда адабиётлардан фойдаланилади. Курс ишининг охирида алифбо тартибида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади. Рўйхатда тартиб рақамидан кейин муаллифнинг исми ва шарифи, адабиётнинг номи, нашриётнинг номи, нашриёт жойлашган шахар номи, адабиётнинг босмадан чиққан йили ва бетлар сони кўрсатилади.

Адабиётлар

1. Chiniqulov X, Xo'jayev X. S. va b., Strukturaviy geologiya va geologik xaritalash. Darslik. Toshkent, 2009 y., 368b.
2. E.X. Xolismatov, R.T. Zokirov. Strukturalar geologiyasi va geotektonik izlanishlar. O'quv qo'llanma, TDTU. Toshkent, 2004.
3. SH. Sultonmurodov. Stukturalar geologiyasi va xaritalash. Toshkent, Konstuktor. 1992.
4. Ахмаджонов М.О., Набиев К.К. - Геологик хариталаш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1990.
5. Михайлов А.Е. Структурная геология и геологическое картирование. Москва, Недра, 1984.